

ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМ АСОСИДА КЎЗИ ОЖИЗЛАР ИШТИРОКИДАГИ
КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исайев Кобилжон Абдукодирович

Халқаро Нордик университети Илмий-инновацион тадқиқотлар
департаменти бошлиғи

KIRISH

Бугунги кунда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ўсишнинг моддий асоси миллий ишлаб чиқариш бўлиб, бунда кичик саноат корхоналаримкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари салоҳиятидан самарали фойдаланиш ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллаштирилишини тақозо этади.

Аҳолининг иқтисодий фаоллиги унинг ижтимоий ҳимоясида муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, кўзи ожизларнинг барча билан тенг ҳуқуқлигини таъминлаш ҳамда ўз қобилияти ва истеъдодини намоён этиш, уни тижоратлаштириш мақсадида уларнинг иш билан бандлигини оширишга, хусусан, саноат корхоналари, асосан, кичик саноат корхоналарига жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 314 миллион кўриш қобилияти заиф кишилар мавжуд. Уларнинг 45 миллиони кўзи ожизлардир ва аксарияти камбағалликда умр кечиради.

Ўзбекистонда 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 66915 нафар кўзи ожиз ногиронлар истиқомат қиласди, уларнинг 45315 нафари ёки қарийб 68 фоизи 18-60 ёшдаги инсонлардир⁴⁴. Бугунги кунда мамлакатимизда кўзи ожизлар иштирокидаги кичик корхоналар 76 тани ташкил қиласди. Ушбу корхоналар кўриш бўйича ногиронларининг ихтиёрий аъзолигига асосланган нодавлат нотижорат ташкилоти – Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига бўйсинади⁴⁵.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтган ҳолда, “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-куввати ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги статистик маълумоти, 2019 й.

⁴⁵ Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти расмий статистик маълумоти, 2020 й.

ошириш"⁴⁶ орқали ҳал этилиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиб ўтдилар.

Камбағалликни камайтириш мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Унга саноат корхоналарини фаол ривожлантириш билан тезроқ эришиш имкониятлари мавжуд. Бу жараёнда кўзи ожиз шахсларни фақат саноат корхоналарига жалб этибгина қолмасдан, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириш, жаҳон стандартларига мос равишда интеграцион ривожланишига эришиш, бу борада илғор хориж давлатлари тажрибаларидан кенг фойдаланиш, хусусан, кўзи ожиз инсонларнинг бизнес кўникмаларини, илмий-техникавий билимларини ҳалқаро андозалар асосида шакллантириш ва ушбу жараёнларни жадаллаштириш, қолаверса, уларнинг ўз бизнесларини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш ва уни ҳалқаро ривожланиш дастурларига олиб кириш бугунги кундаги ҳамда кўзи ожиз инсонлар орасидаги камбағалликни миллий ва ҳалқаро даражада бартараф этиш заруриятидаги долзарб масалалардан ҳисобданади.

ADABIYOTLAR TAHЛИLІ

Кўзи ожиз инсонларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ахборот коммуникацион технологиялари кўникмаларини шакллантириш, жамиятдаги мавқенини ошириш ва уларни ижтимоий-иқтисодий жараёнларга мослаштириш каби масалалар хорижлик иқтисодчи-олимлар Е.В.Лоторева⁴⁷, П.Н.Павловна⁴⁸, М.Г.Чардымский⁴⁹, N.Donaldson⁵⁰, A.Bhattacherjee⁵¹ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган.

Ўзбекистондасаноат корхоналарининг назарий-услубий масалалари, турлари ва уларнинг таснифланиши, шунингдек, ҳалқаро иқтисодий интеграцияга таъсири каби масалалар ўзбек иқтисодчи-олимлар Қ.Н.Тўхсанов⁵², С.Ғ.Ғойипназаров⁵³, У.И.Мараимова⁵⁴, Ш.И.Отажонов⁵⁵, М.Ҳ.Воҳидова⁵⁶,

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январ. // uza.uz.

⁴⁷Лоторева Е.В. Особенности социально-культурной адаптации незрячих людей в российском обществе. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 22.00.04. – Москва: 2010.

⁴⁸Павловна П.Н. Социальная адаптация слепых и слабовидящих людей в современном обществе: социально-философский анализ. Диссертация кандидата философских наук: 09.00.11. – Ростов-на-Дону: 2010.

⁴⁹Чардымский М.Г. Повышение конкурентоспособности промышленных предприятий Всероссийского общества слепых. Темадиссертациипоэкономике. Шифр ВАК РФ 080005. – Москва: 2005.

⁵⁰Donaldson N. Visually Impaired Individuals' Perspectives on Obtaining and Maintaining Employment. Walden Dissertations and Doctoral Studies. Walden University August 2017.

⁵¹Bhattacherjee A. Blind and Visually Impaired Users Adaptation to Web Environments: A Qualitative Study. A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. May 6, 2016.

⁵²Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқча тортишни такомиллаштириш. 08.00.07. – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: 2019.

⁵³Ғойипназаров С.Ғ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш. 08.00.10. – “Демография. Меҳнат иқтисодиёти”. Иқтисодиёт соҳасида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: 2018.

⁵⁴Мараимова У.И. Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари. 08.00.11. – “Маркетинг”. Иқтисод фан номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: 2012.

⁵⁵Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион бошқарув механизмини

Д.А.Рахмонов⁵⁷ларнинг илмий тадқиқотларида муайян даражада ёритилган. Лекин,халқаро интеграция шароитида кўзи ожизлар иштирокидаги саноат корхоналарини ташкил этиш, уларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш ва самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқмасалалар ҳали ўз ечимини тўлиқ топганича йўқ. Шунинг билан бирга Ўзбекистонда кўзи ожизлар иштирокидаги иқтисодий фаолият доирасида алоҳида илмий-тадқиқотлар ҳанузгача олиб борилмаган.

METODOLOGIYA

Сўнгги 30 йил ичида бутун дунё бўйлаб кўриш қобилиятини йўқотган ва ожизлиги бўлган одамлар сонининг қисқариши кузатилди. Бироқ, минтақаларда аҳоли сонининг ўсиши ва қариши, унинг олдини олиш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарблигича қолмоқда. Масалан, дунё бўйлаб 1,1 миллиард одам кўриш қобилиятини ёъқотади. Шунингдек, 2-3 миллиард одам ўз қарашларини ва жамиятда ишлаш қобилиятини оптималлаштириш учун хизматлардан доимий фойдаланишга муҳтож. Деярли 600 миллион одам узоқдан яхши кўра олмайди ва 43 миллион одам умуман кўра олмайди. Шу билан бирга 295 миллион одам ўртача ва оғир даражадаги кўриш қобилиятини йўқотишдан жабрланмоқда. Тадқиқотларга кўра, 258 миллион одам енгил кўриш имконияти ва 510 миллион одам яқин атрофни яхши кўра олмайди. Ўзбекистонда эса, 62 минг киши кўзи ожиз.

Ҳар йили миллионлаб одамлар кўриш қобилиятини йўқотишнинг олдини олиш ва фаровонликни тиклаш учун мавжуд хизматлардан доимий фойдаланишга муҳтож. 2050 йилга келибкўриш қобилиятини йўқотганинсонлар 1,7 миллиардга етиши кутилмоқда⁵⁸.

Лекин кўпгина ҳудудларда мавжуд хизматлар кўлами ва ёндашуви аҳолининг ҳозирги эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас. Кўришни йўқотишнинг 90% (771 миллион одам) олдини олиш ёки даволаш мумкин.



такомиллаштириш. 08.00.13. – “Менежмент ва маркетинг”. Иқтисод фан номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: 2010.

⁵⁶ВоҳидоваМ.Х. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишида халқаро иқтисодий интеграциянинг таъсири (Навоий вилояти мисолида). 08.00.09. – “Жаҳон иқтисодиёти”. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. (Т.: ЖИДУ, 2017).

⁵⁷Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. 08.00.07. – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги. Иқтисод фан номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: 2008.

⁵⁸https://www.iapb.org/wp-content/uploads/2021/05/Eye-Health_Why-it-matters_18052021.pdf

1-расм. Кўзи ожиз инсонларнинг дунё минтақалар бўйича тақсимоти(минг киши, 2021 йил)


Шу билан бирга дунё бўйлаб 161 миллион киши даволанилмайдиган дардга чалинган ва 100 миллион одамда катарект мавжуд. Минтақалар бўйича тақсимотда 90 фоизодам паст ва ўрта даромадли мамлакатларда яшаса, улардан 73 фоизи 50 ёшдан ошганлар ҳамда 55 фоизи аёллар ва қизларни ташкил этмоқда⁵⁹(3.1.1-расм).



2-расм. Минтақалардаги ўртача офтальмологлар сони (ҳар миллион кишига нисбатан)⁶⁰

Юқоридаги 3.2-расмда ифодалангандек географик ўхшашлик ва эпидемиологик ўхшашлик бўйича Маоказий Осиё минтақасида ҳар бир миллион кишига 71 нафар офтальмолог тўғри келмоқда.

Кўришнинг бузилиши юқори даражада глобал молиявий харажат бўлиб, фақат тузатилмаган миёния ва пресбиёния туфайли қўришнинг бузилиши билан боғлиқ маҳсулдорликни йўқотишнинг йиллик глобал харажатлари 244 миллиард АҚШ долларини ташкил этади⁶¹.



⁵⁹ <https://www.iapb.org/learn/vision-atlas>

⁶⁰ https://www.iapb.org/wp-content/uploads/2021/02/Vision-Atlas_Global-Action-Plan-Indicators-2014_2019_24022021.pdf


⁶¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/blindness-and-visual-impairment>

3-расм. Дунё минтақаларида катарект жарроҳлик хизматининг таъминланиш даражаси

Катарект учун бир нечта кўрсаткичлар бўйича хизмат кўрсатиш муаммоси жиддий бўлиб, энг кенг тарқалган маълумотлар ўтиш даври иқтисодиётларига тўғри келмоқда. Натижалар 3-расмдакатараект жарроҳлигини амалга оширишнинг бутун дунё бўйлаб камроқ операциялар ўтказилиши шу муаммо бўйича юқори бўлган худудлар ифодаланган.

TAHLIL VA NATIJALAR

Лансет Глобал соғлиқни сақлаш комиссияси тадқиқотларига кўра, 2000-2019 йиллар оралиғида кўзи ожизлар иштирокидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишидаги олиб борилаётган илмий тадқиқотларни тахлилқиласидиган бўлсак марказий Осиё мамлакатлари ҳиссасига деярли 4 фоиз улуш тўғри келиб асосий кўрсаткич шимолий Америка минтақасига тўғри келмоқда (4-расм).



4-расм. Кўзи ожизлар иштирокидаги илмий тадқиқотлар улуши (2000-2019 йил)


Тадқиқот жараёнида шу аён бўлмоқдаки, кўзи ожизлар иштирокидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда аввалмбор кўзи ожизлик муаммосини тиббий муолажа қилишдан лозим. Шу жиҳатдан биз қўйидаги расм асосида мазкур илк йўлни тадқиқ этдик.



5-расм. Кўзи ожизларнинг кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш

ЖССТнинг кўзи ожизликнинг олдини олиш бўйича фаолиятнингқўйидаги баъзийўналишларига эътибор қаратамиз:


- Аъзо давлатлар ва соҳадаги бошқа ҳамкорлар билан интеграциялашган ҳолда 2030 йилгача амалга оширилишглобал мақсадлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Кўриш бўйича Жаҳон ҳисботининг тавсияларини амалга оширишни кўллаб-қувватлаш учун техник воситаларни доимий равища ишлаб чиқиш;
- Интеграциялашган одамларга йўналтирилган кўзни парвариш қилиш бўйича ҳаракатлар бўйича қўлланма (ИПЕС);
- Кўзни парвариш қилиш хизматларини баҳолаш воситаси;
- Реабилитатсия хизматлари ва тизимларини баҳолаш воситаси.



6-расм.Кўзи ожизларнинг саломатлик ҳолатини яхшилашнинг иктисодий-ижтимоий муносабатлари

2022-йилда дунё бўйлаб 253 миллионга яқин кўриш қобилияти заиф одамлар борлиги тахмин қилинмоқда. Улардан 36 миллиони кўзи ожиз, яна 217 миллиони ўртacha ва оғир даражадаги кўриш бузилиши (Moderate to severe visual impairment (MSVI)) бўлган. Масофадан кўриш қобилияти бузилган одамларнинг


тарқалиши 3,44% ни ташкил қилади, улардан 0,49% деярли кўрмайди⁶². Шу жиҳатдан БМТ тараққиёт дастури 17 йўналишдаги барқарор ривожланиш дастурига (SDG)мувофиқ Кўзи ожизларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш келажакда уларнинг иқтисодий фаолиятдаги фаоллигини оширади (3.1.6-расм).



7-расм.Кўзи ожизларнинг саломатлик ҳолатини яхшилашнинг ижтимоий асослари

Халқаро ихтисослашган ташкилотлар асосида кўзи ожизлар иштироқидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришда касбий соғлиқ ва хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш йўл харитаси ишлаб чиқилди. Бунга кўра, саломатликни яхшилаш ва қайта тиклаш ишчанлик ва натижадорликни рағбатлантиришга асос бўлада деб ҳисоблаймиз (7-расм).

⁶² Universal eye health: a global action plan indicator, IAPB evidence series 2020 summary



8-расм. Кўзи ожизларкичк бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Тадқиқот саволига мувофиқ илмий хулосалар ишлаб чиқиша давлат, хусусий сектор ва халқаро амалиётнинг ўзаро интеграцияси таъминлаш долзарб масала ҳисобланади (8-расм). Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг мазкур муаммолар самарали натижаларга еришишда қўйидаги йўналишларда ислоҳотлар ва тадқиқотларни амалга оширишлари лозим;



9-расм. Маҳаллий нодавлат ташкилотлари олдидаги асосий муаммолар йўналиши

Тўрт асосий йўналишни қамраб олган мазкур кўрсаткичларни яхшилашда мамлакатимиз халқаро институтлар кўмаги ва тавсияларига муҳтож. Иш жойларида иқтисодий самарадорликни ошириш, ишга жойлашиш ва қайта тикланиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, камситилишларнинг олдини олиш, муносиб меҳнат ва ҳақ тўлашни тартиба солиш шунингдек, ижтимоий қўллаб-куватлаш, доимий равища етарли маълумот билан таъминланиш масалаларига ечим топиш инкльзив ўсишнинг асосий қалити ҳисобланади.

Демак, мамлакатимизда асосий ислоҳотларни амалга ошириш халқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тақоза этмоқда. Шу жиҳатдан биз дунёning етакчи ихтисослашган нодавлат ташкилотларининг тавсияларини ўрганамиз. Агар уларнинг баъзиларининг асосий мақсадларини фаолият йўналишларини ўрганадиган бўлсак қуидагича мулоҳалар қилиш мумкин.

1. Кўзи ожизларни ўқитиши Халқаро Консуллиги (International Council for Education of People with Visual Impairment - ICEVI)

2021 йил Мадридда Жаҳон кўзи ожизлар саммитининг глобал йиғилиш бўлиб, у Жаҳон кўзи ожизларбиолашмаси (World Blind Union) Бош ассамблеясини ўз ичига олади. Бу илғор-инноватсион тадбир соҳадаги технологияларнинг афзалликларини ўз ичига олади ва илк глобал очиқ онлайн конферентсия сифатидакўзи заиф кўрадиган одамларнинг дуч келадиган муҳим муаммоларни ечишга қаратилган. Бунда дунёning 190 га яқин мамлакатидан 3500 дан ортиқкўзи заиф кўрадиган иштирокчилар қатнашган.

2. Кўзи ожизликнинг олдини олиш халқаро агентлиги (IAPB International Agency for the Prevention of Blindness)

Мазкур агентлик барчакўришқобилиятизаиф болаларваёшларўзларининг тўлиқ потентсиалларига эришишлари учун тегишилуватенгтаълим молишим кониятини қўллаб-куватлайди. УБМТнинг Иқтисодий вай ижтимоий Кенгаши дамаслаҳатчима қомгаэгава ЮНИСЕФ нинг ногирон болалар бўйича ННТ кўмитасининг таъсисчи аъзоси ҳисобланади. У ЮНЕСКО, Жаҳон банки ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик қиласиди. Шунингдек, кўзи ожизликнинг олдини олиш, тарбиялаш ва ижтимоий интеграцияга алоҳида эътибор қаратилган ўкув-тренинг ва реабилитатсия ташкил этади.

3. ONCE Social Group

Мазкур таўкилот дунёдаги ягона ташкилот бўлиб ижтимоий мақсадлари шахсий автономияга ва жиддий кўриш қобилияти бузилган одамларнинг тўлиқ қўллаб-куватлашга эришишга қаратилган. Ташкилотнинг мақсади кўриш қобилияти чекланган ёки бошқа ногиронлиги бўлган одамларни тенг имкониятларга жалб эти ҳамда шу тариқа кафил ва барқарор модел тузиш орқали жамиятга қўшимча қиймат қўшиш, ижтимоий иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий рентабелликни оширишга қаратилган.

4. Америка Құшма Штатларида жойлашған Халқаро Күз Жамғармаси (International Eye Fund)

Ушбу жамғармага ҳозирда дунёда бўйлаб 45 миллион одам аъзо бўлиб, кундалик иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда кенг кўламли интеграция эга. Айниқса, кичик бизнес ва старт апларни ташкил этишни қўллаб-қувватлашиш дастурлари имкониятлр доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, иш жойларида ўзаро тенгликни таъминлаш тамойилига асосланади.

5. AbilityNet's Tech

Буюк Британиянинг ушбу ташкилотикўзи ожиз ногиронларга бепул компьютер саводхонлигива бизнесни бошлаш юзасидан ёрдамини тақдим этади. Иш жойларида ҳар бир қўнгилли вакилларга онлайн хизматлардан фойдаланиш ва иқтисодий билимларни оширишга ёрдам беради⁶³.

6. AFB Blind Leaders Development Program

Бу ташкилот кўзи ожиз етакчиларни ривожлантиш дастури кўзи заиф кўрадиган одамларни профессионал раҳбарлик лавозимларни эгаллашга тайёрлайди. Мазкур дастур жорий этилгандан буён унинг ҳар бир президенти 100 йилдан кўпроқ вақт оралиғида мазкур тизимни такомиллаштириш келмоқда⁶⁴. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ногиронларни ишга олишнинг афзалликлари рентабеллик, рақобатбардош устунлик ва инклузив иш маданиятини яхшилашни ўз ичига олади. Шунга қарамай, кам сонли кўзи заиф кўриш қобилиятига эга одамлар иш кучида етакчилик қиласади. АФБ истакларининг кенг тарқалган тизимли ўзгаришини таъминлашетакчиликнинг энг юқори даражаларида қўриш қобилиятини йўқотган одамларнинг кўпроқ иштирок этишини талаб қиласади. Ҳар йили АФБ кўзи заиф кўриш қобилиятига эга бўлган шахслар гурухини танлайди: 50% стипендиат сифатида пайдо бўлган етакчилар ва уларнинг 50% ментор сифатида фаолият юритадиган етакчилар. Кўзи ожиз ва қўриш қобилияти заиф одамларнинг шахслараро мулоқот кўникмаларини қандай мустаҳкамлаши ва асосан кўрувчи дунёда самарали ишлаши мумкинлигига бағишлиланган бир қатор семинарларда олиб борилади.

Дастур бўйича танланган стипендиялар етакчилик, бизнес бошқарув ва маствоилиятнинг юқори даражаларида меҳнат самарадорлигини ошириш юзасидан билимлар такомиллаштирилади. Кўзи ожиз лидерлар ўз тармоқларини ҳудудлар бўйлаб кенгайтириб, бошқа кичик бизнес вакиллари билан ўзаро интеграцияни амалга ошириш учун қўпроқ имкониятларни беради. Мазкур дастунинг аъзолари фаолият рейтингидан келиб чиқиб ўз таъсир даражаларини яхшилайдилар ҳамда заиф кўриш қобилиятига эга бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларини бизнесни бошлаш, меҳнатга ёллаш, ва уларга маслаҳат бериш имкониятига эга бўлади. Бу эса, шу соҳа вакилларини мавжуд

⁶³ <https://abilitynet.org.uk/digital-world-accessible-all>

⁶⁴ https://afb.org/research-and-initiatives/employment/blind-leaders-development-program?_ga=2.113086148.1966342036.1653793608-1688366365.1653793608

хавф-хатарлар ҳамда турли тўсиқларни енгиб ўтиш қўникмаларининг амалий ечимлари сифатида **талқин қилиш мумкин**.

7.Бутунжаҳон кўзи ожизлар иттифоқи (World Blind Union)

Бутунжаҳон кўзи ожизлар иттифоқи бутун дунё бўйлаб кўзи кўрмайдиган ёки кўриш қобилияти паст бўлган тахминан 253 миллион кишини ифодаловчи глобал ташкилотдир. Унинг аъзолари 190 мамлакатдаги кўзи ожизлар учун ихтисосдашган ташкилотлар шунингдек, кўриш бузилиши соҳасида ишлайдиган халқаро фондлар ҳисобланиди. Шу билан бирга кўзи ожизлар миллий ва халқаро ташкилотларини ҳамда кўриш қобилияти паст одамларга уларнинг ҳаёт сифатига таъсир этувчи масалалар устида ишлаш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларни бирлаштиради.

Ушбу иттифоқ фаолият давомида 100 дан ортиқ аъзо давлатлар Vision 2030 лойиҳасида бевосита иштирок этмоқда⁶⁵. Бу семинарларда кўз саломатлиги бўйича маҳаллий мутахассислар иштироки кўзни парвариш қилишда соғлиқни сақлаш тушунчалари ҳақида хабардорликни ошириди ва аъзо давлатлар маҳаллий эҳтиёжларни баҳолаш, миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини даврий баҳолашга кўмаклашиш масалалари қамраб олинган.

Иттифоқ қуйидаги стратегик мақсадларни талқин қиласди⁶⁶:

1. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларнинг ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш;
2. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар учун паст ва юқори технологияли ечимлардан фойдаланишни рағбатлантириш;
3. Истеъмол ва уй-рўзгор буюмларидан тўлиқ фойдаланишга кўмаклашиш;
4. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларнинг атроф-муҳитга тўлиқ киришини, шу жумладан хавфсиз ва мустақил саёҳат ва транспорт воситаларидан фойдаланишни таъминлаш;
5. Кўзи ожизлар иштирокидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда кўмаклашиш, етакчилик қтлиш ва рағбатлантириш.

8.Кўзиожизлармиллийфедерацияси (National Blind Federation)

Штаб-

квартирасиМерилендштатиБалтиморشاҳридажойлашганМиллийКўзиожизларфедерациясиАҚШдакўзиожизларбошчилигидагиэнгийирикташкилотбўлиб, 50 000 гаяқинфоалаъзоларниўзичигаолади⁶⁷. УларЖаҳонкўзиожизлариттифоқитаркибига киравчихалқаромиқёсдакўплаб лойиларда иштирок этиб минтақалар бўйича молиявий кўмак бериб келмоқда. Уларўзларинингвеб-сайтидадунёдагизаифқўрадиганларучунқулайроқ бизнесни бошлаш ҳамда уни


⁶⁵ <https://worldblindunion.org/>

⁶⁶ <https://worldblindunion.org/programs/work-plan/>

⁶⁷ <https://www.orcam.com/en/blog/associations-and-organizations-that-help-people-who-are-blind-or-visually-impaired/>

бошқариш бўйича онлайн дарслар ва курсларни таклиф қилган. Бу эса заиф кўрган одамларга ёрдам берадиган уюшмалар ва ташкилотларнинг кичик намунасиdir.

Юқоридаги бир қатор халқаро нодавлат ташкилотлари ва фондлар фаолиятининг асосий мақсадлари ва йўналишларини ўрганиб чиқиб биз Ўзбекистонда истиқболли кўзи ожизлар иштироқидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўл харитасини ишлаб чиқдиқ (10-расм).



10-расм.Халқаро нодавлат ташкилотларнинг Ўзбекистон билан истиқболдаги ҳамкорлик йўналишлари

Юқоридаги расмда кўзи ожизлар иштироқидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда 8 йўналиш асос қилиб олинмоқда. Жумладан молиявий кўмаклар, иш жараёнида инсон капиталини ривожлантириш, инновацияларни бошқариш, професионал даражада экспертиз хизматларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятни

ривожлантиришда трансфер технологияларни тадбиқ этиш, давлат хусусий шерикчилик муносабатларини кўриб чиқиш ва оқсаб қолган таркибий қисмларини қайта тиклашни қамраб олади.

МИНОКАМА

Давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳукуқларини сезиларли равища кенгайтириш бўйича чоралар ишлаб чиқиши мақсад қиласди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микро фирмаларни режали солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар ажратиш механизмларига илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқади.

Мазкур йўл харита ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, бандлик ва даромадларни таъминлашни мақсад қиласди.

Кўзи ожизлар иштирокидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти меҳнат унумдорлигиҳамда натижадорлигин оширишда Жаҳон савдо ташкилоти билан ғамкорлик муносабатларини ҳам ўрганиб чиқдик. 3.1.7-расмга мувофиқ мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг қўйидаги манфаатлари аҳамиятлидир:

Микро, кичик ва ўрта корхоналарнинг халқаро савдодаги иштироки кўплаб сабабларга кўра чекланганлигича қолмоқда. Булар қаторига тегишли кўнималарнинг етишмаслиги, халқаро бозорлар, нотариф тўсиқлари, оғир қоидалар ва чегара тартиб-қоидалари ҳақида маълумотларнинг йўқлиги, молиялаштириш, хусусан, савдони молиялаштириш имкониятларининг чекланганлигини ўз ичига олади⁶⁸. Корхона қанчалик кичик бўлса, халқаро савдода иштирок этишда дуч келадиган қийинчиликлар шунчалик катта бўлади. ЖСТ кичик ва ўрта корхоналарнинг жаҳон савдосида фаолроқ рол ўйнашига ёрдам бериш учун бир қатор ташабbusларга эга.

"ИСС-WTO Кичик бизнес чемпионлари" ташаббуси ЖСТ ва Халқаро Савдо Палатаси (ИСС) томонидан кичик компанияларнинг халқаро савдода иштирокини осонлаштириш учун бошланган⁶⁹. У бутун дунё бўйлаб компаниялар ва хусусий сектор ташкилотлари учун микро, кичик ва ўрта корхоналарни (МСМЕ) чегарадан ташқарида бизнес юритишларини

⁶⁸ https://www.wto.org/english/tratop_e/msmesandtra_e/msmesandtra_e.htm

⁶⁹ https://www.wto.org/english/forums_e/business_e/sbc_e.htm

рағбатлантиришга қаратилган инноватсион, амалий ғояларни таклиф қилиш учун платформасини ишга туширди.

Шунингдек, ҳужжатлаштириш талабарини қисқартириш, товар етиб келгунига қадар ҳужжатларни расмийлаштириш, электрон тўловлардан фойдаланиш, тез бузиладиган товарларни тезроқ чиқариш шартномада кўрсатилган чора-тадбирлар кичик бизнес экспортчиларининг харажатларини янада камайтириш имконини беради.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Жаҳон Банки ва Жаҳон Иқтисодий Ислоҳотига кўра, мамлакатларни савдони енгиллаштириш бўйича "Энг яхши амалиёт"га лойиҳасига қўшилиш жаҳон ялпи ички маҳсулоти ўсишнинг катта қисми кичик бизнес томонидан қўллаб-қувватланади⁷⁰. Тезлаштирилган божхона тартиб-таомиллари ва кичик бизнеснинг технологик ва юк ташиш имкониятларини яхшилаш ортиқча қоғозбозликни камайтириш ва кичик бизнеснинг халқаро савдода иштирок этишига ҳамда унинг кўплаб иш ўринларини барпо этувчи имтиёзларидан фойдаланишига ёрдам беради.

Ногиронлар эътибордан четда қолган ва кўп миллиард долларлик бозор сегментини янада рағбатлантириувчи музкур ташкилот ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари ва яқинларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига кўмаклашади. Масалан, Қўшма Штатларда 200 миллиард доллар, Буюк Британияда 50 миллиард доллар ва Канадада 25 миллиард долларни йиллик даромадни ташкил этадиган мазкур соҳа улуши Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ва унинг таркибига кирувчи тармоқ келишувлари фаолиятларида ҳам истиқболда ижбий ислоҳотлар умид билдирамиз.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. "World Blindness Overview." Himalayan Cataract Project. www.cureblindness.org. Accessed on 7 January 2019.
2. Wagner-Lampl, A. and Oliver, G.W. "Folklore of Blindness." Journal of Visual Impairment & Blindness. 88.3. Accessed on 8 January 2020.
3. <https://www.un.org/development/desa/disabilities/convention-on-the-rights-of-persons-with-disabilities/article-24-education.html>
4. <https://www.gaebler.com/Business-Ideas-for-the-Visually-Impaired.htm>
5. <https://news.microsoft.com/on-the-issues/2019/08/08/smart-tech-blind-low-vision/>
6. <https://becominghuman.ai/assistive-technology-for-the-visually-impaired-use-cases-and-the-particulars-of-development-f36589f89535>
7. <https://theblindguide.com/evolutionary-technology/>

⁷⁰<https://ustr.gov/about-us/policy-offices/press-office/blog/2013/December/Benefits-of-WTO-Trade-Facilitation-Agreement-to-Small-Business>

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-2, ISSUE-16 (30-March)

8. <https://www.bbvaopenmind.com/en/technology/innovation/technology-for-blind-people-beyond-braille/>
9. <https://www.uniteforsight.org/community-eye-health-course/module13>